

3284 -сонли Абонент шартномаси
юридик шахсларга телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича
(юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга)

2022 йил « 19 » 01

1. «Ўзбектелеком» АК Фаргона филиали номидан 2022 йил 19 кунги №

Тўвсан боғлама бошлиги Н. Қуръонов, кейинчалик
«Оператор» деб номланган бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси,
амалдаги Устав (Қоида, рўйхатга олинганлик тўғрисида Гувоҳнома, ишончнома)
асосида иш қўрадиган З. Турқужолов, бошқа томондан,
кейинчалик алоҳида «Абонент» деб номланган, «Томонлар» ҳамкорлигида
телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича қуйдагилар тўғрисида мазкур
Абонент шартномаси тузилди (мағн давомида - Шартнома).

1.1. Телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича Мазкур Шартнома
имзоланган вақтдан бошлаб Абонент (жумладан, минтақавий вакиллик ва филиаллар)
билан илгари тузилган Шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

2. Абонент, телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича мазкур
шартномани имзолаши билан расмий сайтда эълон қилинган «Ўзбектелеком» АК
Оммавий оферта шартларини қабул қилади. Абонент Оммавий оферта матни
(Оммавий офертанинг тўлиқ матни Оператор сотувлар офисларида, оператор
Агентлари сотувлар офисларида ва Операторнинг расмий WEB-сайтида
жойлаштирилган) билан таништирилган. Абонент Оператор тақдим этадиган
Хизматларга тегишли тўловларни амалга оширилганини тасдиқловчи молиявий
ҳужжатни олиш учун олдиндан аванс тўловни амалга ошириши Операторнинг
Оммавий оферта шартлари(акцептлари)ни сўзсиз қабул қилганлиги бўлиб
ҳисобланади.

3. Абонент мазкур Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор унда техник
имкониятлари мавжудлигини текширади. Техник имкониятлар мавжуд бўлганда,
Оператор Шартномани ўз томонидан имзолайди ва Абонентга идентификация
рақамини тақдим этади. Абонентга идентификация рақам тақдим этилгандан кейин
олдиндан аванс тўловни амалга ошириши мумкин. Техник имкониятлар мавжуд
бўлмаганида, Оператор томонидан Шартномани имзоланганига қадар, мазкур ҳужжат
унга телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши учун Абонентнинг аризаси бўлиб
ҳисобланади.

3.1. Абонентни телекоммуникация Хизматларига улаш шартлари ва тарифлар
(нархи) мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган Иловаларда белгиланган ва
мазкур Шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб кучга қиради:

- 1-илова. Кўрсатилаётган хизматлар:
 - «Мобил алоқа (телефония, маълумотлар узатиш, VAS) хизматлари тариф режаси»;
 - «Интернет (КПУ, IP телефония, VPN) тармоғига доимий корпоратив уланмиш хизматлари тариф режаси»;
 - «IPTV хизматлари тариф режаси»;
 - «Виртуал хостинг» хизматлари тариф режаси»;
 - «Булуғли видеоузатиш» хизматлари тариф режаси»;
 - «Умумий фойдаланиш телефония (ТФОП, PSTN) хизматлари тариф режаси».

102
4 банк

